

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

«Кино, телевидение ва радио санъати» факультети

«Педагогика ва психология» кафедраси

КУРС ИШИ

**Мавзу: ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ
ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ**

Бажарди: Мелиқулова Шахноза

Илмий раҳбар: Жавдат Пулатов

**Мазкур курс иши 2012 йилнинг
«___» _____ даги «___» - сонли
йиғилишда муҳокама қилинган ва
ҳимояга тавсия қилинган.**

**Кафедра мудири: п.ф.н., доцент
Касимова З.Х. _____**

Тошкент – 2012

Мундарижа

Кириш.	
1. Иқтидор ва истеъдод ҳақида тушунчалар.	
2. Иқтидор ва истеъдод тушунчаларининг ўрганилганлик ҳолати	
3. Иқтидорли ва истеъдодли болалар тараққиётини тадқиқ қилиш методи	
4. Болалар иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш омиллари.	
Хулосалар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	
.	
Иловалар.	

КИРИШ

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар сиёсатида доимий устувор бўлиб келмоқда. Улар сирасида жамиятнинг маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш лозим.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти, замон талабларига мос билим олиши, касб-ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожлантириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ўринда 2012 йил “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ҳам барча соҳаларда қатор долзарб вазифалар белгиланиб олинди.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг таълим соҳасида олиб борган фаолияти ёш авлодга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига қаратилган. Шу маънода таълим соҳасида улкан моддий ва маънавий янгиланишларга эришилди. Умумтаълим муассасалари капитал реконструкциядан чиқарилди ва кўплаб янги замонавий таълим муассасалари қурилди ҳамда зарурий ўқув-лаборатория жиҳозлари, дарсликлар, ахборот технологиялари ва бошқалар билан таъминланди.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари тасдиқланди, ўқув дастурлари оптималлаштирилди ҳамда дарсликларнинг янги авлоди яратилди.

Олиб борилаётган ишларнинг пировардида 1995-2010 йиллар давомида ўқувчилармиз халқаро фан олимпиадаларида математика, физика, биология, кимё, информатика, рус тили фанларидан хорижий давлатларда ўтказилган халқаро олимпиада ва танловларда 244 нафар ўқувчиларимиз иштирок этиб, 20 та олтин, 49 та кумуш, 88 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган фан олимпиада (9-11 синф)лари билан бирга 2010-2011 ўқув йилидан бошлаб 5-9 синфларни камраб олган “Билимлар беллашуви” ўтказилиб, республикамиздаги иқтидорли ўқувчилар аниқлаб борилмоқда.

Иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш улар билан мунтазам шуғулланишни йўлга қўйиш мақсадида “Ёзги интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи”лари ташкил қилинди.

1. ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

Иқтидор – бу инсон психикасининг бутун умр давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади.

Психологик луғатда “иқтидор” тушунчаси қуйидагича таърифланади:

- 1) иқтидор бу – фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;
- 2) иқтидор бу – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;
- 3) иқтидор бу – ақлий потенциал, таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал характеристикаси;
- 4) иқтидор бу – табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, қобилиятлар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;
- 5) иқтидор бу – истеъдодлилиқ, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Умумий қобилият эгалари юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон-бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятига ижодий ёндашиши билан ажралиб туради. Махсус қобилият эгалари эса бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш,

шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилияти бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Иқтидорли болалар бу умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

- қизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутки, тафаккури, хотирасининг тез ривожланиши;
- эрта ёшданок мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- масалаларнинг ечимини топишда мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унумдорлиги;

Педагогик нуқтаи назардан умумий ва махсус қобилият ёш давларини инобатга олган ҳолда муҳим жиҳатларга боғлиқ. Эрта ёш давлар — мактабгача ва кичик мактаб ёшида иқтидор умумий ҳамда универсал қобилият сифатида кўрилиши ва ривожланиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу “умумий қобилият” ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб маълум бир йўналишни белгилайди. Айни вақтда бу иқтидор бола томонидан қай даражада намоён бўлаётганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Аниқ намоён бўлган, яъни психолог, педагог, ота-оналар томонидан эътибор берилган қобилият “актуал”, атрофдагилар пайқамайдиган қобилият “потенциал” қобилият дейилади. Кўпгина машҳур олимлар, бастакорлар, рассом ва ёзувчилар (масалан, ёш В.А.Мотсарт, Ф.Галтон, И.Мечников, К.Гаусс, Н.Виннер, Г.Лейбнитс, В.Гюго) эрта ёшдаёқ ўзларининг қобилиятларини намоён қилганлар. Ва аксинча кўп ҳолларда болаликда ҳеч қандай иқтидорга эга бўлмаган болалар етуклик даврда муваффақиятларга эришишлари мумкин. Бу ақлий потенциалга кўпинча атрофдагилар эътибор бермасликлари мумкин.

Табиийки, ҳар бир ҳолатда иқтидорни пайқамасликнинг сабаблари турлидир. Потенциал қобилият ҳақиқатдан ҳам маълум бир вақтгача намоён бўлмагандир. Балки, ота-оналар педагоглар ва катталар томонидан бола калбининг нозик ҳаракатларидаги ўзгаришларга етарлича аҳамият берилмагандир, интуитив ҳолда буни пайқамагандирлар ёки билимлари етмагандир. Ёки аксинча, бу нарсаларни тушунмаганликлари сабабли боладаги буюк потенциал имкониятларни сезмаганлар, ва ҳаттоки, бу ижодкорликни, интеллектуал ташаббусни негатив хусусият сифатида қабул қилганлар.

Бошқа, хусусиятларни эса кадрлироқ деб ҳисоблаганлар, яъни, ҳаммамизга шахсий тажрибамиздан маълумки, тиришқоқлик, итоаткорлик, саранжом-саришталик каби хислатларни фикрлар оригиналлиги, дадиллик, ҳаракатлардаги ва мулоҳаза юритишдаги мустақилликдан устун қўядиган ота-оналар, ўқитувчилар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, раҳбарлар учрайди. Америкалик олимлар томонидан 400 га яқин таниқли одамларнинг таржимаи ҳоли ўрганиб чиқилганда улардан 60 фоизи мактаб таълими даврида жиддий муаммоларга дуч келганликлари аниқланди. Ақтуал ва потенциал қобилиятлар тушунчасининг мавжудлиги ривожланишни олдиндан прогноз қилиш муаммосини муҳим деб ҳисоблайди.

Шахснинг қандай сифатлари ва характер хусусиятлари, феъл-атворидаги ва фаолиятидаги фазилатлари катталарга келажакда боланинг буюк олим, рассом ёки давлат арбоби бўлиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Бу саволга жавоб топиш бирмунча мушкулдир. Психологлар боланинг келажagini “башорат” қилиш имконини берадиган қатор қонуниятларни белгилаб берганлар, лекин асосланган прогнозлар беришга ҳали эришилгани йўқ. Шу билан бирга жаҳон педагогика ва психологияси соҳасидаги тажриба шуни кўрсатадики, боланинг имкониятларига ишончнинг педагоглар ва ота-оналарнинг маҳоратига йўғрилганлиги мўъжизалар содир этишга қодир. Баъзи ҳолларда ҳаётда инсонга табиат томонидан берилган қобилиятдан ҳам кўра у ана шу хусусиятни қандай ривожлантира олгани муҳимдир.

Улғайган сари болаларда ақлий салоҳиятини ўсиб боришини кузатиш мумкин. Хаётининг биринчи 10 йиллигида болалар ақлий фаолиятининг энг қийин даври, кўплаб янгиликларни ўзлаштириш, ҳис-ҳаяжонга тўла давр бўлади. Бундан ташқари болалар ёшлиги туфайли нерв системаси сезгир бўлади. Ҳатто оддий ҳисоблаган ҳолатларимиз ҳам уларнинг тез қабул қилишига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Болаларни иқтидори турли ёшларда намоён бўлади. Агар боланинг конкрет ривожланиш вақти ўтказиб юборилса, бу келажақда унинг иқтидорини ривожига тўсқинлик қилади.

Бола иқтидорини сезган ота-она ва ўқитувчилар, бундай болани эътиборсиз қолдирмасликлари керак, чунки келажақда у ўзини қандайдир иқтидорини кўрсатиши мумкин.

Ўз тенгдошларидан илгарилаб кетган ўқувчилар қийинчилик кўрмайди, деган хаёл нотўғри, бундай болаларни уйда ва мактабда кўп қийинчиликлар кутади. Кўпинча болалар уларни ақлий фаоллашуви ота– оналарнинг кўркуви ва безовталанишига сабаб бўлади, асосийси болаларга буни билдирмаслик керак. Бошқа оилаларда болаларига берилган иқтидор уларни яхши келажагини таъминлайди. Болаларни рағбатлантиришади ва улар билан ғурурланишади. Бундай болаларда ўзига юқори баҳо қўйиш ва менсимаслик ҳолати юзага келиши мумкин. Иқтидорли болаларни ўқитишда эҳтиёт бўлиш зарур. Улар атрофдагиларни қўллаши ва танқидига жуда сезгир бўлишади. Оила шароитида ҳам иқтидорли болаларни «ғалатироқ» ҳисоблашлари мумкин.

Шундай қилиб иқтидорли болалар ақлий салоҳиятининг бошланғич давридаёқ муаммоларга дуч келишади. Уларни нафақат уйда, балки мактабда ҳам тушунмасликлари мумкин. Мактабда уларни бошқа болалар билан бирга ўқитилиши, ачинарлиси улар билган, уларга энди қизиғи йўқ мавзуларни ўқитилиши зериктиради. 1-синфдан улар ўқиш, ёзиш ва ҳисобни биладилар, бошқа ўқувчилар алифбе ва ҳисоб – китобни ўргангунга қадар иқтидорли болалар бекорчи бўлиб қоладилар. Албатта ҳаммаси педагог маҳоратига боғлиқ, лекин қанчалик педагог алоҳида ёндашув билан бутун синфга дарс

Ўтмасин, у кучли ўқувчиларгагина диққат – эътиборини қаратиши қийин. Ақлли ва фаол ўқувчи ўқитувчининг диққатини берилган вазифаларни тез ва осон бажариши билан қаратиб, ўқитувчи ва тенгдошларига оғирлиги тушиши мумкин. Бундай ўқувчилардан камроқ дарс сўралиши кузатилади, фаоллиги керак эмаслигини кўрган ўқувчи бошқа предметларга чалғиши билан ўқитувчининг мамнуниятсизлигини келтириб чиқаради. Бора – бора ўқишни севувчи фаол бола мактабда ўзини ортиқча сезади ва мактаб унга керакмасдек бўлиб қолади. Муаммонинг сабаби, иқтидорли бола билимга чанқоқлиги туфайли кўпроқ маълумот олишни ва кўпроқ дарс ўзлаштиришни хоҳлайди, ўрта таълим мактаби дастури эса у хоҳлаган билимни беришга кодир эмас.

Иқтидорли болаларга алоҳида ёндашилмаса охир-оқибат ўрта мактаб талабига жавоб берадиган бўлиб қолади. Натижада унинг мустақил фикрлаши, билимга чанқоқлиги ва реал имкониятлари эътибордан четда, талабсиз қолади.

Одатда, иқтидорли болалардан, бошқа болаларга нисбатан кўпроқ талаб қилинади. Бундай болаларда шу даврда тенгдошлари билан қийинчиликлар туғилиши, бошланғич мактабни тугатаётганда бошқа болалар уларни ўзларидан узоқлаштириб, ҳатто хафа қиладиган лақаблар ҳам қўйишади, бундай вазиятда иқтидорли болалар жамоадан ажралиб қолмаслик учун улардан ортиқроқ билиши ва ҳаракатчанлигини кўрсатмайди.

Ўрта таълим мактабида ўқишга ҳалақит қиладиган иқтидорли болаларни асосий кўрсаткичларидан бири улар учун берилган оддий вазифаларни бажармаслиги ва ўқишга қизиқиш йўқлигидир. Бундай болалар ўзлари бемалол ўзлаштирадиган машғулотларни кимдир бошқаришини хоҳламайдилар, ҳатто бошқарилса хафа ҳам бўладилар.

Иқтидорли болаларни ўқитишни биргина йўли иқтидорли синфлар ёки мактабларни ташкил қилинишидадир. Шундагина иқтидорли болалар мактабни тезроқ тамомлаб, тезроқ ўзлари хоҳлаган олийгоҳларига киришлари мумкин. Бу уларга олдиларига қўйган мақсадларига тезроқ

эришишларига сабаб бўлади. Иқтидорли болалар ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришиши, Ватанимиз келажаги ва равнақи учун салмоқли ҳисса бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бола тарбияси катталарни тарбия муаммоларига эътиборига эмас, балки болаларга бераётган эътиборига боғлиқдир.

2. ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОД ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

Ушбу муаммони тадқиқ қилиш учун машҳур қарашларни ўрганиш муҳим ҳисобланади. Дастлаб психология тарихидаги иқтидорли болалар табиатини ўрганувчи эволюсион қарашлар кўриб чиқилади.

Сиёсатчи, ғарбий ва уларнинг амалий иқтидори ҳақидаги ғоялар Арестотел асарларида ҳам учрашига қарамай алоҳида фан предмети сифатида XX-асрларда юзага кела бошлади.

Иқтидорлилик муаммоси бўйича илк тадқиқотлар аср бошларида бошланган. Бу каби тадқиқотлар 1905-1912 йиллар мобайнида Москва, Петроград, Киевда ўтказилиб, бу тадқиқотлар миллий характерга эгаллиги билан Америка, Англия ва Немис психологларининг қарашларидан тубдан фарқ қилади.

Бу борада тадқиқот олиб борган психологлар қаторига шахс тузилишига қиёсий ёндашувни олиб кириб уни ривожлантирган Г.И.Россолимани киритиш мумкин (1910 й). Г.И.Россолимо ўзининг "Бола қалбини тадқиқ қилиш режаси" ишда жақон психологиясида биринчилардан бўлиб болани кузатиш схемасини таклиф қилади.

1909-1910 йилларга келиб эса Г.И.Россолимо томонидан иқтидорли болаларни диагностика қилиш тизими яратилди. Бу тизим ўзининг тўлиқ ва аниқлиги билан ажралиб турарди. Бу тизим қуйидаги асосий функцияларни тадқиқ қилишга қаратилган:

- а) диққат;
- б) ирода;
- в) идрокнинг яхлитлиги;
- г) эслаб қолиш;

д) ассоциатив психологиянинг тафаккур қақидаги қарашларига мувофик келувчи ассоциатив жараёнлар.

Ассоциатив жараёнларни диагностика қилиш қойидаги сифатларни ўзида мужассамлаштиради:

- 1) фикрлаш;
- 2) комбинациялашган қобилиятлар;
- 3) фикр тезлиги;
- 4) тасаввур;
- 5) кузатувчанликни боқолаш.

Бу жараёнларни ўрганиш учун экспериментал психологиянинг асосий манбаларига таянган ҳолда диагностик масалалар ишлаб чиқилди. Ушбу методика ёрдамида иқтидорлик даражасининг дастлабки графиги тақдим қилинди. Шундай қилиб билиш жараёнларини диагностика қилиш ва уларнинг даражасини бақолаш асосида XX асрга келиб иқтидорлилик даражасини бақолашга уринишлар бошланди.

Г.И.Россолимо болаларда психосоматик тадқиқотлар олиб бориладиган болалар психологияси ва неврологияси институтини ташкил қилади. Унинг раҳбарлиги остида "Психология ва бола" журнали нашр қилина бошланди. 1912 йил Г.И.Россолимо Ломоносов жамиятига аъзо болалар орасидан юқори иқтидорли болаларни саралаб олади.

XX аср бошларига келиб иқтидорлилик муаммосини рус педагоглари ҳам тадқиқ қила бошладилар уларнинг илмий-методик мақолаларида қобилиятларнинг "этишмаслиги" етакчи сифатларнинг "тормозланиши"ни этишмаслиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилади. Кейинчалик эса уларнинг тадқиқот муаммолари қаторидан қуйидаги жараёнлар ўрин эгаллай бошлади:

- иқтидорлиларни ривожланишнинг ижтимоий шартлари;
- иқтидорлик тушунчасини аниқлаштириш;
- иқтидорликни келиб чиқиш ва тузилиши.

Рус олими В.М.Экземплярский иқтидорли болаларни ўрганиш учун диагностик методика қўлланган. У иқтидорли болалар учун махсус мактаблар яратиш қамда уларни ўқитиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш лозимлигини таклиф қилган. 1920 йилларнинг бошларида тадқиқотчилар яъни бу муаммони ўрганувчилар фақатгина яхши тараққий этган қобилиятларнигина ўрганишга мойил бўлиб, улар орасидаги ўзаро боқлиқликни тадқиқ қилишганлигини таъкидлаган. У иқтидорлиликни фақатгина интеллектуал соҳа билан боғланган тадқиқотларга ўз танқидий муносабатини билдирган. У ўз ишларида шахс иқтидорлилигини диагностика қилиш муаммосига асосий эътиборни қаратган.

1920 йиллар охири 1930 йилларнинг бошларида иқтидорлилик муаммосини ўрганишга доир ишлар бирмунча жонланганлиги кузатилади. Жумладан, катта ҳқажмдаги психологик диагностик методикалар, иқтидорлиликни аниқловчи тестлар ишлаб чиқилди ва амалга тадбиқ қилинди. Буларнинг барчаси Европа, Америка тадқиқотлари асосида амалга оширилди.

Агар бу тушунча Россияда оғқзаки ўрганилган бўлса, XX асрга келиб Америка, Англия, Германияда бу муаммо чуқурроқ ўрганилган. Педагог ва психологлар орасида иқтидорлиликни тузилиш компонентларини ўрганиш кучайди. Масалан, Германияда психикага кўникиш ва мослашишнинг энг юқори шакли сифатида қаралиб, ақлий иқтидорнинг муқим таркиби сифатида қаралади.

В.Гитерн буни қуйидагича изоҳлаган: Ақлий иқтидор-бу тафаккурни янги талабларга онгли ёъналтириш ва янги топшириқлар ва қаёт шароитига мослашиш қобилиятидир. Бу изоқ муаммони моқиятини очиб берган ва иқтидорлиликни янги топшириқ шароитларга мослашиш шарти сифатидаги муаммони ечимини топиб берган. Ушбу тавсифнома иқтидорлилик даражасини ажратишга имкон берди.

В.Штерн кўшимча қилиб: "Турли шароит ва соҳалардаги янги талабларга тез мослаша оладиганлар ақлий иқтидор эгаларидир".

Иқтидорликни ақлий фаолият билан боғлаш натижасида билиш жараёнларини ролини ортишга иродавий эмоционал соҳалар каби индивидуал тавсифномаларни ролини чекланишга олиб келди.

1912 йилда В.Штерн боланинг хронологик ёшидан қатъий назар унинг тенгқўрлари каби "оддий" бола эканини исботловчи математик тенгликни ишлаб чикди. Натижада у оддий ҳисоб-китоблар орқали хронологик ёш ва ақлий ёш ўртасида алоқа борлигини исботлади: у бу кўрсаткични интелект коэффисенти деб номлади (ИҚ). У боланинг интеллектуал тараққиётидаги ривожланиши ёки орқада қолишни инобатга олиб интелект ва интеллектуал фарқларни бола интеллектуал тараққиётини интенсивлиги ва темпини текширади. Формула қуйидагича бўлиб. $ИҚ = (АққХқ) \cdot 100$ ақлий ёш (АЭ) ва (ХЕ) хронологик ёш орасидаги мувофиқлик аниқланади.

Иқтидорликни аниқлаш учун ақлий тараққиёт шкалалари ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири Бине-Симон шкаласидир. Ушбу диагностик шкаланинг 2 та муҳим тамойили уни янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаб беради. Биринчиси диагностик топшириқлар ёрдамида аниқланувчи барча билиш жараёнларига интеграл эквивалентларнинг топилганидан иборат. Иккинчи тамойил эса боланинг интеллектуал имкониятларини, интеллектуал тараққиёт билан мувофиқлигини ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида иқтидорликни бир қатор факторлар билан боқлаб ўрганиш имконини берди. 30 йиллар бошларига келиб шкала Л. Термен томонидан модификацияланган Стенфорр-Бине шкаласи Москва, Курск, Воронежларда қўлланилиб синовдан ўтказилган.

3. ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МЕТОДИ

Иқтидорли ва истеъдоли болалар тараққиёти динамикасини тадқиқ қилиш методи. Иқтидорликни тадқиқ қилиш Л.Термен-изланишлари орқали 1920 йиллардан бошланган бўлса қам унчалик узок тарихга эга эмас иқтидорли ва талантли болалар бойича бутунжақон иттфоқининг 1-йиқилишидан кейинги 20 йиллик нашр қилинган илмий ишларни таҳлил қилиб шундай хулосага келдик. Ушбу муаммо юзасидан олиб борилган тадқиқотлар бир ёки бир нечта ёш даврларни саралаб олиш методи орқали амалга оширилгандир. Бу метод синалувчилардаги иқтидорлилик ва шахс сифатларини юқори даражадаги ишонччилик билан кўрсатиб беради. Бирок ушбу методга мувофиқ иқтидорлиликни индивидуалигининг қаёт таъсирида ривожланишни ўрганиш чеклангандир. Хужжат маълумотларига кўра синалувчиларнинг ва яқинларининг хотиралари кўпинча маълумот бериш

мумкин. Бу метод лонгитюд маълумотлар йиқишга асосланган бўлиб иқтидорлиларнинг экспериментал гуруҳини осонлик билан ажратиб олиниши мумкин. қужжатларни тақлил қилиш ва хотиралар бир томондан индивид иқтидорининг махсус хусусиятларини бошқа томондан унинг мухитга, таълим-тарбияга таъсирини тушунишга ёрдам беради.

Яна бир тадқиқотчи Л.Термен ўзининг издошлари билан биргаликда юқори ИҚ га эга бўлган иқтидорли болалар билан 40 йил давомида лонгитюд тадқиқотини олиб борди. Бу ва бошқа тадқиқотлар лонгитюд методининг назарий ва амалий муаммоларни қайта ишлаш учун жуда ақамиятли эканини кўрсатди.

Иқтидор муаммосини тадқиқ қилиш учун олиб берилган изланишларда лонгитюд кенг қўлланилмоқда. қоидага мувофиқ бир ёки бир нечта синалувчи узоқ йиллар мобайнида узлуксиз кузатилади.

Лонгитюд методининг ютуқи шундаки, у орқали иқтидорликнинг потенциали сифатида намоён бўлиб, айнан шу потенциални қандай ривожланиши, қайси даврда қандай намоён бўлишини қайд қилиб бориш унга таъсир этувчи турли омиллар ўрганиш мумкин. Қолаверса лонгитюд методи тадқиқотларда эксперимент гуруҳидан ўзининг иқтидорлилик кўрсаткичи билан фарқланувчи назорат гуруҳини бўлишига имконият яратади. Лонгитюд методининг шунча имкониятлари бўлишига қарамай иқтидорлик муаммоси бойича олиб борилган тадқиқотларнинг атиги 10% ида ушбу метод қўлланилган. Бу энг аввало экспериментлардан бошқа методларга қараганда кўп вақт ва куч сарф қилганлиги билан боқлиқ. Лонгитюд методини қўллаш учун синалувчилар сони жуда кўп бўлиши зарур, чунки йиллар мобайнида айрим синалувчилар турли сабабларга кўра гуруҳдан чиқиб кетиши ёки эксперимент охирида кутилган натижани бермаслиги мумкин, охир-оқибат кам сонли синалувчиларнинг кўрсаткичлари ақамият касб этади.

Лонгитюд тадқиқотларнинг биринчи ва энг муқим вазифаси синалувчиларнинг

иқтидорлисини ажратиб олишдир. Илгаригидан фарқли равишда қозирда ИҚ ни ўлчашда интеллектнинг факторлилиги бойича ишлаб чиқилган психология концепцияларида тан олинмоқда. Бу билан боқлиқ ҳолда иқтидорнинг ҳам кўп факторлилиги тан олинмоқда. Кўпгина психологларнинг фикрича, когнитив аҳқамиятга эга бўлмаган шу билан бирга интеллектга боқлиқ бўлмаган креативлик иқтидорликнинг фактори деб қабул қилинмоқда. қолаверса айрим психологлар ижтимоий муқит омилларини оилавий шароит, таълим дастурини инобатга олиш муҳим экани таъкидлашмоқда.

Турли назарий концепциялар лонгитюд тадқиқотларнинг турли эксперимент шаклларида асос бўлиб хизмат қилади ва натижада ушбу назария қанчалик қақиқатга яқин эканлиги, уни ўзгартиришга зарурат бор ёки ёъқлиги аниқланади. Лонгитюд тадқиқот учун иқтидорли болаларни саралашнинг энг машқур мезони бу жамият томонидан унинг имкониятларини тан олинишидир: масалан, мактабни битиришда ёки қандайдир кўрик танловда ютуқни қўлга киритиб, рақбатлантириши. Саралаб олинган синалувчилар 8-15 йил мобайнида турли сўровнома ва интервьюлар орқали кузатиб борилади (1-4 йилда 1 марта). Қўлга киритилган ютуқлар қар доим қам иқтидорлиликдан далолат бермайди. Шунинг учун юқоридаги саралаш мезони психометрик методлар: интеллектуал тестлар, ижодий ва махсус қобилиятлар орқали тўлдириб, ўзгартирилиб борилади.

Иқтидорли болаларни диагностика қилишнинг асосий тамойили иқтидорлилик концепциялари ва ёндашувларнинг ўзгариши билан ўзгариб борган. Ҳозирги кунда иқтидорликни диагностика қилиш учун кўпгина тестлар ишлаб чиқилган: интеллектуал қобилиятларни ўрганиш учун - Дж.Ревен "Прогрессив матрисалари"нинг мураккаблаштирилган варианты иқтидорли ўқувчи учун билиш қобилиятларининг кўп даражали тести (КРТ) (К.Хеллер ва издошлари томонидан ишлаб чиқилган), интеллектуал қобилиятларини экспресс- диагностикаси методикаси (МЕДИС-6-7) (Э. И. Шебланова, И. Аверина, Е. Н. Задорина, 94). Креативликни ўрганиш учун

Дж. Гилфорднинг "Ноёб қўллаш ижодий тафаккурнинг вербал тести" (Аверина, Шебланова, 96), П. Торренснинг ижодий тафаккур тести (ТТСТ) (Шебланова, 93) махсус қобилиятларни аниқлаш учун тестлар математик, мусикий, техник, сенсор, моторика учун тестлар ва бошқалар (Э. М. Борисова, 1987). Иқтидорнинг серқирра ва сермазмунлигини инобатга олган қолда комплекс психодиагностика ўтказиш лозим яъни шахсдаги интеллектуал қобилиятлар махсус қобилиятлар ва ижодий тафаккур билан бирга шахснинг шахсий ва мотивасион хусусиятларини ўрганиш зурур. К.Хеллер, К. Перлет, В.Сиэрвалод иқтидорлиликини комплекс тарзда тадқиқ қилиш учун қуйидагиларни ўрганишни таклиф қиладилар:

- Интеллектуал (когнитив қобилиятлар тести ва ўқитувчининг бақоси ёрдамида). - Креативлик (Дж. Гилфорд тести бўйича ноёб усулларни, П.Торренс бўйича креативликини вербал иқтидорни аниқловчи тестлар ва ўқитувчининг бақоси ёрдамида).

- Ижтимоий компетентлик (сўровнома ва ўқитувчининг бақоси ёрдамида).

- Психомотор қобилият (компьютер тестлари ва ўқитувчининг бақоси ёрдамида).

- Санъат соҳасидаги қобилият (ўқитувчининг бақоси ёрдамида).

- Когнитив бўлмаган шахс хусусиятлари (сўровномалар: билимга ташналик, омадга умид қилиш омадсизликдан қўрқиш хавотир, ўзига-ўзи бақо, ўқув услуги).

- Муқит характери (оилавий ва мактаб муқитини ўрганувчи сўровномалар ёрдамида).

- Интилиш (турли соқалардаги фаолликини аниқловчи, турли фандаги ўзлаштиришни кўрсатувчи сўровнома).

Лонгитюд адиқотларини қайта ўтказиш олинган маълумотларни тўлдириш ва кенгайтириш имконини беради. Лонгитюд метод орқали болалар иқтидорини узок йиллар давомида ўрганилганлиги туфайли унинг ёш хусусиятларини ўрганиш имкониятини беради.

Ушбу тадқиқотлар доирасида иқтидорли болаларнинг интеллектуал ижодий ва махсус қобилиятларни ривожлантирувчи дастурлар ишлаб чиқилди. Иқтидорлилик муаммоси бойича жаҳон ва хориж тадқиқотчиларининг ишларини тақлил қилиш шуни кўрсатадики, иқтидорни шахсни ижодда ўзини универсал, потенциал имкониятларини намоён қилиш деб тасаввур қилиш кенг тарқалган. Демак:

1) Иқтидор туғма ва интеллектуал воқелик деб тушунтирувчи концепция янгиси билан алмашди.

2) Иқтидор юқори интеллектуал билан бир нарса эмас, ваҳоланки юқори интеллект иқтидорлиликнинг муҳим шартидир.

3) Иқтидорлиликни муҳим компоненти креативликдир.

4) Иқтидор инсоннинг барча шахсий сифатларида кўринади: қизиқишлари, мотивлари, қислари, иродавий хусусиятлари ва бошқалар.

5) Шахснинг ижодий потенциали иқтидорлиликни асосини ташкил қилади. Шу билан бирга у қаёт тарзи ижтимоий муқитнинг таъсирисиз автоматик тарзда намоён бўлмайди.

6) Иқтидорли болаларни ўрганиш учун ақлий иқтидорнинг асосий компонентларини, ривожланиши динамикасини ўрганишга имкон берувчи-лонгитюд методини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Иқтидор ўзига хос индивидуаллик бўлишга қарамай қатор умумий хусусиятларга қам эгадир кўзатишлар ва экспериментлар натижасида болалар иқтидорининг бир неча типларини ажратиш мумкин.

Тест методи. Тест методи бошқа методлардан қар қандай психологик хусусият ёки воқеликни сифат ва миқдор жиқатдан тақлил қилишга ёъналганлиги билан фарқланади. Шунинг учун тестларга қойиладиган талаблар муқимдир. Стандартлаштириш. Тестларни стандартлаштириш уларни ўтказиш ва бақолашга қойиладиган ягона нормативдир. Стандарт: а) методикани ўтказиш ва натижаларни бақолаш жараёнини умумий меъёрларга келтириш; б) қар бир текширилувчининг кўрсаткичлари умумий кўрсаткичлар тизимида қандай ўрин эгаллашини топиш учун зарур янги

шкалани ишлаб чиқиш. Диагностик тестлар ёрдамида олинган натижаларни талқин этиш учун бу натижалар муайян меъёр, яъни стандарт билан солиштирилиши керак стандарт билан солиштирилгандагина текширилувчининг кўрсаткичлари умумий кўрсаткичлар тизимида қандай ўрин эгаллашини аниқлаш мумкин. Микдорий кўрсаткичларни олишга, мўлжалланган тестлар балларига нисбатан муайян стандартларни аниқлашда қуйидаги амаллар бажарилади:

- барча текширилувчиларнинг кўрсаткичлари асосида ўртача кўрсаткич топилади;- махсус математик статистик амаллар ёрдамида стандарт оқишиш, яъни ўртача квадрат оқишиш кўрсаткичи топилади ()

- ўртача кўрсаткичдан юқорига ва пастга стандарт оқишиш кўрсаткичига мос тарзда қадам ташлаб, тест натижаоларини солиштириш учун зарур шкала - стандарт бақолар тизими ишлаб чиқилади. Ишончлилик - қеч қачон абсолют бўлмайди. Ишончлилик тестларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, тест ёрдамида олинган натижаларнинг қанчалик барқарор эканини билдиради. Психодиагностик тестларнинг ишончлилигини аниқлаш учун психодиагностик тест синалувчиларнинг муайян гуруҳи билан бир бир неча марта мазкур тест ёки унинг эквивалент шакли воситасида ўтказиладиган текширувларда аниқ бўлади. Ушбу текширувчилар турли вақтларда ўтказилади. Агар қар икки сафарда олинган натижалар тўлиқ мос тушса корреляция коэффсентини 1,0 га интилади. Бироқ бу қеч қачон содир бўлмайди ва қўпчилик тестлар учун корреляция коэффсенти 0,7-0,9 ни ташкил қилади. қолаверса тестнинг ишончлилигини аниқлаш усулига қараб параллел, ретест, парчаланишига асосланган ишончлилик турлари бор. Валидлик ёки яроқлилик - психодиагностик тестларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, методика ўзи нимани ўрганишга мўлжалланган бўлса, ўша нарсани ўрганишга қанчалик яроқли эканини билдиради. Диагностик тестларнинг валидлиги тест диагностик ўлчовини амалга ошира олиши ёки ошира олмаслигини ва ўлчовни амалга ошира олса буни қанчалик муваффақиятли бажаришини ифодалайди. Тестнинг валидлиги қанчалик юқори бўлса у

муайян психодиагностик текширув учун шунчалик ярокли деб қисобланади. Бироқ кўпгина тестларнинг валидлиги одатда 0,60 дан паст бўлади. Биринчидан, у тест ишончлилик даражасидан юқори бўлиши мумкинemas, иккинчидан, мактаб белгилари муваффақиятли ўзлаштириши мезони сифатида унчалик ишончли эмас, учинчидан, мотивасия интизом ижтимоий шароит ўз таъсирини ўтказади. Валидликнинг қуйидаги турлари бор, мазмуний, критериал, конструктив. Демак, юқорида биз умумий психодиагностикага оид маълумотларни келтириб ўтдик, энди эса айнан иқтидорли болалар психодиагностикасига оид маълумотлар билан ўртоқлашамиз.

Эксперт баҳоси методи. Тадқиқот жараёнида психологик иқтидорли болаларни ва назорат гуруҳидаги болаларни баҳолаш учун экспертларни таклиф қилади: ота-оналар, тарбиячилар, мусиқий ходимлар, синф рақбари, фан ўқитувчилари уларга стимул варақа берилади, унда бола ўз талантини кўрсатишни мумкин бўлган 10 соҳа характеристикалари берилади: интеллектуал, академик ўзлаштириш, ижодий, бадиий, артистик, мусиқий техник ҳаракатли, рассомлик, иж. Эксперт ҳар бир кўрсатилган характеристикаларни 5 балли тизимда баҳолайди. Агар болага қандайдир характер жуда мос бўлса 5 балл, 2 балл - бунинг акси бўлса қойилади. (баллар 5,4,3,2).

Анкета методи. Иқтидорли болаларнинг интеллектуал ва ижодий тараққиётини диагностика қилиш учун ота-оналарга махсус анкеталар ишлаб чиқилган. Анкета саволларини тузишда боланинг индивидуал қобилиятларини ривожланиши ҳақида турли-туман маълумотларни йиқишга асосий эътибор қаратилади. Анкета ўзида боланинг жисмоний ривожланиши, билиш фаолияти ривожланиши, боланинг қизиқишлари, қобилиятлари, болада ижодий фаолият ва қизиқувчанликнинг намоён бўлиши, муайян билим, кўникмалар, махсус қобилиятларга эга эканлиги қақидаги саволларни мужассамлаштиради. Анкета саволларида бола шахсига оид хусусиятлар борасида ҳам сўз юритилади. Мулоқотчанлик, лидерликка интилиш,

мақсадга интилишда қатъийлик. Англаган эктиёжларни ўрганиш учун болага В.С.Юркевич томонидан тузилган 2 та анкета берилади ушбу анкета 5 та саволдан иборат ва англаган эктиёжлар яққол намоён бўлувчи, кучсиз ва жуда заиф намоён бўлувчи каби даражаларда кўринади.

4. БОЛАЛАР ИҚТИДОРИ ВА ЁШЛАР ИСТЕЪДОДИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Психология фан сифатида янги бўлишига қарамай, унинг таркиби доимо инсонларни қизиқтириб келган. Чунки, психология – бу бизнинг ҳаётимиз ва у қар доим, қар қандай, қар қаерда биз билан. Шунинг учун фанни турли муаммолари юзасидан оз бўлса қам аниқ ёндошувлар бордир. Бу ерда, иқтидор муаммоси қам четда қолмайди. Бундан бир неча 10 йил аввал С.Л.Рубинштейн: "Иқтидорликни ўрганувчи кўпгина ишлар мавжуд. Бироқ, олинган натижалар бу ишга сарфланган вақтни оқламайди. Бу кўпгина тадқиқотларнинг нотўғри экани ва уларда қўлланилган методикаларнинг қониқарсизлиги билан тушунтирилади", деб ёзади. Ўтган кўп йиллар мобайнида ушбу муаммо юзасидан кўпгина назариялар яратилди. Муаммонинг долзарблиги ва ақамияти шундаки, иқтидорли болалар билан "оддий" болалар сингари эмас, улардан фарқли равишда ишлаш лозим-ки, бу улардаги қобилиятларни янада ривожланиши билан боқлиқ бўлсин. П.В.Тюленев иқтидорли болалар муаммосини долзарб эканини аниқ кўрсатиб берган: ". . . ушбу муаммони қал қилиш боланинг келажагини ва оиланинг бахтини белгилаб беради. Ота-оналар ҳақиқатни билишини истамайди ва у беркитилган бўлишига қарамай улар ҳақиқатни билишлари зарур". Иқтидони аниқлашдан мақсад иқтидорлиликнинг келтириб чиқарувчи омилларини ўрганиш, иқтидорли болаларнинг психологик, шахсий хусусиятларини ўрганиш қамда иқтидорли болалар билан ишлашнинг ёъл ёъриқ ва воситаларини эгаллаш. Иқтидорли болалар ва уларнинг психологик

хусусиятлари, қобилият, иқтидор, талант тушунчалари ҳақида маълумотлар зақирасини бериш ҳамда уларни шахсда шаклланиши борасида назарий ва амалий билимлар бериш лозим.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан ишлаш методикаси куйидагиларни инобатга олади:

- қобилият тушунчасини мазмунини камда уни шахсда шаклланиши қақида билимлар зақирасига эга бўлиш; қобилият, талант, иқтидор тушунчаларини мазмунини билиш;

- болалар иқтидори қақидаги назарияларни ўрганиш;

- иқтидорли болаларни психологик хусусиятларини борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиш;

- иқтидориликни келиб чиқишига таъсир этувчи омилларни қақида маълумотларга эга бўлиш;

- иқтидорли болалар билан ишлашнинг ёъл-ёъриқ, усул ва воситаларини эгаллаш.

Иқтидорли болалар билан ишлашда психологлар иқтидорнинг тузилишини белгилайдиган асосий омилларни билишлари лозим. Булар куйидагилар:

- умумий интеллектуал ёки ақлий қобилиятларнинг юқори даражаси;

- билиш мотивининг доминантлиги — бошқа мотив турларидан устунлиги;

- янги предметлар, вазифалар, воқеа-ҳодисаларга дуч келганда, муаммони кўйилиши ва ечимини топишда ижодий фаолликнинг намоён бўлиши.

Иқтидорнинг эрта намоён бўлиши икки ёшдан олти ёшгача кузатилади. Бундай болалар икки-уч ёшдан ўқишга интиладилар, уч-тўрт ёшда ўқишни ва санашни биладилар, беш-олти ёшда сўзларни ва унча катта бўлмаган жумлаларни ёза оладилар. Мактабгача ёш даврида иқтидорли болалар бошқалардан интеллектнинг ривожланиш даражаси билан ажралиб турадилар. Ўзларининг жуда фаоллиги, кўплаб савол беришлари,

қизиқувчанлиги, катталардан оладиган маълумотни осон эслаб қолиши ва қайта айтиб бера олиши билан бирга, бой тасаввурга эгадирлар. Иқтидорли болалар кўп ҳолларда турли ҳисоб-китобларга қизиқадилар, шеър ёки эртаклар тўқийдилар, мусиқа асбобларини чаладилар, шахмат ўйнайдилар, расм чизадилар, қўшиқ айтадилар ва рақсга тушадилар. Етти ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда болалар кўп ҳолларда коллекция йиғишга (маркалар, медаллар, севимли мультфильм ва кино қаҳрамонларининг расмлари ва хок...), қоғоз, ёғоч ва бошқа материаллардан турли предметларнинг лойиҳаларини ясашга қизиқадилар. Иқтидорли болалар 3 ёшдан 5 ёшгача барча номаълум бўлган нарсаларга ва янгиликларга нисбатан мустақил равишда жавоб ахтаришда фаоллик кўрсатиб, катталарга турли саволлар берадилар. Бу саволларга берилган жавоблар орқали атроф олами, воқеа-ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларининг боғлиқлигини англайдилар, шахсий ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара оладилар. 3-ёшли болага хос бўлган ҳислатлар:

1. Нутқи маъно жиҳатидан бир-бирига боғланган сўзлардан иборат.
2. Ўйинда ролга киради.
3. Шар, олма ва бошқа предметларни чиза олади.
4. Ўзи ечиниб кийина олади.
5. Кубикларни бир-бирининг устига қўя олади.
6. Таянчсиз зиналардан ўзи кўтарилиб, туша олади.
7. 4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар.

Лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани бера олмайдилар. Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшида ривожланиб, аввал у қандай бўлгани ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қиладилар. Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни 3 босқичга ажратиш мумкин:

биринчи давр — 3- 4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир;

иккинчи давр — 4- 5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқара олиш билан боғлиқ;

учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларини шаклланиши билан тавсифланади.

Шунинг учун ҳам мактабгача ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараёндир, чунки кўпгина шахсни тадқиқ қилиш методлари, катта ёшли одамларга мўлжалланган ва болани ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятларига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганиладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир. Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар яъни болани ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуддир ёки шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар эксперт сифатида майдонга чиқадиладар. Фақат ана шундай тарзда болани шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятларига эга бўламиз. Бизга маълумки, интеллектуал тестлар одамни ақлий фаолиятни ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида когнитив процессларини (идрок диққат, хаёл, хотира, нутқ) баҳолашда қўлланилади. Қуйида мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнлари, ижодий (креатив) қобилияти ҳамда болаларда фаолиятнинг бирор соҳасидаги иқтидорни аниқлаш бўйича бир қатор тестлар, шунингдек ушбу ёшдаги болаларда билиш жараёнларини ривожлантириш бўйича машғулотлар ҳамда ота-оналар учун маслаҳатлар тақдим этилади.

Айрим тажрибаларда олинган болалар ҳақида маълумотларни берамиз.

Никита-3 синф ўқувчиси. Жисмоний ривожланган майда моторика ва ҳаракат координасияси яхши ривожланган, бола фаол ҳаракатчан жисмоний машқлари ва спорт ойинларини яхши кўради. 3 ёшдан контур ичидаги расмларни қирқади ва бояйди. Билиш фаоллиги, нутқ ва интеллект ривожланган: Никита қизиқувчан янгиликни тез илиб олади, "глобал"

муаммо ва ходисаларга оид кўп саволлар беради. Фаросатли, мантикий фикирлайди.

Никитанинг хотираси яхши: у материалларни эслаб қолади. Ихтиёрсиз диққатнинг кўлами кенг. Бола дарсларда бироз сабрсизроқ, у дарсдан тез чалқиб дўстлари билан суқбатлашиб ўтириши мумкин, лекин бу унинг ўзлаштириши юқори даражада. Боланинг нутқи бой ва яхши ривожланган. Кўп ҳикоялар ойлаб топади. Сўз ойинига уста. Никита турли шаҳар ва туман олимпиадаларининг доимий иштирокчисидир. Мактабнинг кучли ўқувчиларидан бири. Никита расм чизишга қизиқади. Артистик қобилиятга эга турли бадий танловларда иштирок этишни яхши кўради. Шаҳар кўшиқлар кўрик танловининг қолибидир. Никита меҳрибон, юмшоқ кўнгил, лекин айрим вақтларда қайсар ва ўз айтганини қилишга мойил. Баъзида одамови бўлиб хафа қилганлар билан гаплашмаслик мумкин, лекин тез унутади, мулоқатчан. Кичик гуруҳларда вазиятга боқлиқ лидер бўлиши мумкин. Одамлар билан тез чиқишади ва уларнинг илтимосини ерда қолдирмайди. қақиқатпарвар ўзининг нотўқри қаракатлари учун уят қиссини туяди. Мусиқани севади, яхши куйлайди. Никитанинг оиласи тўлиқ-у ёлғиз фарзанд. Ота-онаси, буви-буваси бола тарбиясига кўп вақт ажратади. Улар Никитани қадрлашади унинг қизиқиш ва эҳтиёжларига эътиборли бўлиб, унга янги нарсалар ўргатишга интиладилар. Юқорида кўрсатилган хусусиятлар турли томонли қизиқишлар хос бўлган уйқун типда ривожланган иқтидорли болаларга хосдир. Шу билан бирга улар турли соқаларда мувофақиятга эриша оладилар.

Эвгения - 2 синф ўқувчиси. Женя жуда ҳаракатчан ҳаракат қилишни яхши кўради. Гимнастика, рақс билан шуқулланади. Кам касал бўлади. Майда моторика ва "қўл ва кўз" нинг мотор координасияси яхши ривожланган. У кузатувчанлик ва таъсирчан, янги маълумотларни қийинчиликсиз осон ўзлаштиради. Билиш фаоллиги юқори даражада қар бир воқеани мазмунини тушунишга интилади. Уни мураккаб ахлокий муаммолар қизиқтиради: ўлим ва ҳаёт яхшилик ва ёмонлик, болаларнинг туғилиши ва

булар. қизалоқни табиий қизиқтиради, яъни: у ёки бу нарсалар нимадан ва қандай қилинади деган муаммо қизиқтиради. Барча саволларига у китоб ва катталардан жавоб қидиради. Женя барча маълумотларни ўзида синаб кўришга интилади. Унинг хотираси жуда яхши бир марта эшитган нарсасини бир канча вақтдан сўнг қам ўзгаришсиз қайтариб айтиб-бериш мумкин. Қизча тест кўринишидаги топшириқларни ҳам мувофақиятли бажаради. Женянинг нутқи яхши ривожланган: луғати бой, нуқтада мураккаб грамматик қурилишларини қўллайди. Ҳикоялари жуда оригинал ва мустақилдир. Қизча расм чизишга қизикади, унинг ишлари оригинал ва қизиқарлидир. Женя ҳикоялар ёзишни, шеър ёзишни яхши кўради. Женянинг умумий ўзлаштириш кўрсаткичи юқори. У мактабда талантили педагог қўл остида балет билан шуғулланди, лотин Америкаси рақс бойича халқаро болалар мусобақаси ғолибасидир. Ўзининг кейинги касбий фаолиятини фақатгина ижод билан боғламоқчи ва келажакда раққослар психологияси билан шуғулланиб, мусобақалардаги раққослар жуфтлигидаги стрессга барқарорлик мавзусини тадқиқ қилмоқчи. Ота-онасининг фикрича, Женя тарих билан шуғулланишни ўз дўстларининг позисияларини кўрсатишни, драмаларда иштирок этишни яхши кўради, унинг мухлислари-бу ота-онаси ва дўстларидир. Қизалоқ ғайриоддий ҳикоялар ўйлаб топишга уста. Артист, яхши рақс тушади, ҳаракатчан мусиқани севади. Болалар ва катталар билан мулоқатчан. Ойинларга берилувчан. Ҳамма нарсани биринчи ва энг яхши қилишга интилади. Унга биринчи бўлиш ёқади. У болаларни ташкиллаштира олади. Ҳамма у билан ойнагиси келади, унинг дўстлари жуда кўп уни лидер деб тан олишади. Женя типик экстрове́ртдир. Женянинг адолатпарварлиги ва уни ёнида бошқаларни хафа қилишларига чидаб тура олмаслиги бошқа болаларга жуда ёқади. Онасининг айтишича Женя жуда юмшоқ қўнгил ва тез йиқлаб юбориши мумкин. Женя ўзига ишонган, ўзини севувчи, унга ёъналтирилган мақтовларни қадрловчи қиздир. Женянинг оиласи тўлиқ таъминланган, мақбул оила ойда қизалоқ учун барча шароитлар яратилган.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, махсус-креатив типдаги иқтидорли болаларда уларнинг махсус қобилиятлари яққол кўзга ташланади.

Эвгений-1 синф ўқувчиси. Танаффус ва жисмоний тарбия дарсида Женя фаол эмас. У синфдаги спорт мусобақаларига қизиқмайдиган ўқувчилардандир. Женяда майда моторика яхши ривожланган: дафтарга тартиб билан ёзади, меҳнат дарсларида унинг ишлари энг чиройлиси бўлади, асосийси-ўқитувчиларнинг таъкидлашича топшириқларни аниқ бажаради. Женянинг нутқи яхши ривожланмаган, у ёшлигида айрим қарфларни айта олмаганлиги сабабли, қозиргача нутқида нуқсонини қийинчилик билан ўзлаштиради. Уни қизиқтирадиган ягона иш-мактаб машқулотларидир. У турли ўқув топшириқларини синчковлик билан бажаради. У дафтарга тартиб билан, чиройли қилиб ёзади, дафтар хошияларига ақамият беради. Ўқиш дарсларида унинг оғзаки мантиқий жавоблари ажралиб туради. Математика дарсларида "топширитқларни ўқий олади" қолаверса зарурий маълумотларни англаб, ажратиб олади: у айрим қолатларни исботлаб ўзини текширишни яхши кўради; математик операсияларни бошқалардан яхшироқ тушунади. Мактабда расм дарсларида яхши расм чизади, лекин уйда расм чизиш билан шуқулланмайди. Мактаб дастурини ўзлаштириш учун зарур бўлган нарсаларнигина ўқийди. Ўғил бола самимий, лекин мулоқатчан эмас. У ўз яқинларига кам эътибор қаратади. Мактабда кўпроқ дарслар билан банд бўлади.

Кам ҳолларда у дарсда тўполон қилиши мумкин ва педагоглардан бири бунга эътибор берса хайрон бўлади. У синфдаги энг босиқ ва намунали ўқувчи эмас.

Оиласи нотўлиқ ота-онаси 5-йил аввал ажрашишганига қарамай бир хонадонда яшаб бир-бирига яхши муносабатда бўладилар. Онаси ўғлининг ривожланиши учун барча моддий шароитларни яратишга интилади: уйда китоблар ривожлантирувчи ойинлар диафильмлар коллекцияси кўп. Уйда ит бор лекин Женя унга кам вақт ажратади. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, дифференциаллашмаган типдаги иқтидорга эга бўлган болаларда

интеллект ва креативликнинг ўртача тараққиёти кузатилади. Психодиагностика методлари ҳар бир шахс, айниқса ўқитувчи иқтидорли бола қақида тушунчага эгадир бу тасаввурларни шаклланишига бизнинг турли болалар билан мулоқотда бўлишимиз, уларни кузатишимиз ва ўзаро қиёслашимиз асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, бу тасаввурлар субъективликдан йироқ эмас. қолаверса, иқтидорлилик қақидаги тасаввурлар жамият эқтиёжига боқлиқ қолда ўзгариб туради. Турли тарихий даврларда иқтидорлиликнинг турли кўринишлари бўлган: қадимда жанговор қобилиятлар қадрланган. Ўрта асрларда қарб фалсафасида мантикий фикрловчи эъзозланган бўлса, бизнинг давримизда муаммони қал қилишда янгиликка, ноанъанавийликка интилиш қаёттий чигалликларни еча олиш қобилияти тушунилади. Агар биз 4 ёшли болани мустақил китоб ўқиётганини, 5 ёшли болани машинкада ўзининг ҳикояларини тераётганини, 9 ёшли болани олий математика тенгламаларини ечаётганини кўрсак, уларнинг иқтидорлилигига шубқа қилмаймиз.

Шундай экан диагностика нима учун керакқ Ахир, қайратларни исботлаш учун эмас-ку. Унутмаслик керакки, боладаги иқтидорнинг намоён бўлиши учун муайян шароит керак ва улар борасида энг муқими - иқтидорни бақолай оладиган, кўра оладиган, уни намоён қилишга ёрдам берадиган инсондир. Бу илк болалик давридан муқим ўринга эгадир. Агар бола эрта ўз тилида гапира бошласа (гу-гу, га-гу), қизиқувчан бўлса, муқитни фаол ўрганса, лекин бу интилишлар кенгаймаса, тўхтаб қолса, бу одатда эрта намоён бўлган иқтидорнинг ривожланмаётганидан далолат беради. Бундай қоллар мактаб ёшида қам кечиши мумкин. Демак, бола иқтидори қақида гапирганда фақатгина фаолият натижаларига у ёки бу соқадаги ютуқларига қарамаслик керак, чунки иқтидорли болаларнинг ўз қобилиятини намоён қилиш учун имкон бўлмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун қам иқтидорли болаларни излаш, уларнинг индивидуал ёш, шахсий хусусиятларини психодиагностика қилиш зарур. қар қандай соқа қаби психодиагностика қам юқори малакани талаб қилади. қозирда психодиагностика мактаб амалиётига

кенг кириб бораётганлиги боис унинг метод ва ёъл-ёъриқлари билан ўқитувчилар, ота-оналарни таништириб бориш зарур. Психодиагностика лотина сўздан олинган бўлиб, шахс индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш ва ўлчаш методларини ишлаб чикувчи соқасидир. Бундай методлар каторига тестларни киритиш мумкин. дастлабки тестлар бундан бир неча минг йиллар илгари қадимги маданиятда машқур бўлган. қарбий, зобит, девонбеги бўлишга талабгор бўлган барча тестдан ўтказилган. Масалан, қадимги индейсларда катта айиқ юлдузидан "иккиталик юлдузни" кўра олган киши овчилик билан шуқулланиши мумкин бўлган (кўз ўткирлигига тест). қадимги Хитойда олий давлат лавозимларида ишлашга имтихон топшираётганларнинг қар бири шеър ёзишни билиши лозим бўлган (ижодий қобилиятлар тести). Турли синовлар ёрдамида муносибини танлаш халқ эртакларида қам ўз аксини топган. Масалан К.Госсининг машқур эртагида малика Турандот ўзига муносиб қаллиқ танлаш учун 3 та топишмоқ беради. Бироқ, психодиагностика мустақил фан сифатида хорижда Х1Х-ХХ асрларда тан олинди."Тафаккур операсияларини микдор жиқатдан аниқлаш"га (Ф.Галтон) уринишларнинг бошланиши психодиагностикада интеллект тестлари билан бир қаторда шахснинг бошқа психологик хусусиятлари, шахслараро муносабатларини ўрганувчи тестлар кириб келди. Параллел равишда психодиагностиканинг статистик аппарати ишлаб чиқилди: коррекцион, факторли, дисперсион тақлиллар ва бошқалар ХХ аср ўрталарига келиб қозирги замон тестлари яратилди. Кузатиш методи.Иқтидорли болаларга ёндошишида уларнинг индивидуал хусусиятларини кузатишимиз қеч нарсага эришиб бўлмайди. Кузатиш методининг ютуқи шундаки у табиий шароитларда олиб борилади. Объектни уни ўзига билдирмасдан кузатиш мумкин.Ушбу методнинг юзага келишида М.Й.Басовнинг хизматлари катта. У кузатиш объектига нисбатан муносабатга кўра кузатувнинг 3 тип установақини ажратган: 1 тип установақ - кузатув жиддий мақсад асосида амалга оширилиб, фақатгина зарур сифатларгина инобатга олиниб, қолганларига эътибор қаратилмайди. 2

тип установка - кузатувчи аввалдан қабул қилингани назардан қоли бўлиб, кузатилувчи ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш. 3 тип установка - қандайдир тайёргарлик бўлмаганда ва объект диққат марказига келиш билан кузатув бошланади. Кейин эса олинган натижалар асосида иқтидорли болаларнинг дастлабки тавсифномалари тузилади. А.Ф.Лазурский ишларида тавсифномаларни расмийлаштиришнинг 2 услубини учратиш мумкин: маълум кетма-кетлик асосида маълумотлар текшируви тузилади, тавсифнома охирида - резюме берилади, тадқиқотчи аввал келтирилган сифатларни эмас, айни вазиятларда яққол кўринган хислатларни фактлар асосида исботлаб, илгари суриши керак.

ХУЛОСАЛАР

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан ишлаш методикаси юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Иқтидор ва истеъдод белгилари - бу иқтидорли болданинг реал фаолиятида намолён бўлувчи ва унинг қаракатларини кузатиш натижасида баҳоланувчи хусусиятдир. Иқтидорлилик белгилари фаолиятни амалга ошириш даражаси билан боғлиқдир. Иқтидорлилик белгиларини муҳокама қилишдан аввал хоҳлайман ва "қила оламан" тушунчаларини муҳокама қилиш керак. Шунинг учун ҳам иқтидорлилик белгилари иқтидорли 2 муҳим жихатини ўзида мужассам этади: инструментал ва мотивасион инструментал-бу унинг фаолияти усулини характерлайди. Мотивасин-боланинг фаолиятининг у ёки бу томонига, қолаверса ўз фаолиятига муносабатини характерлайди.

2. Иқтидор ва истеъдод тушунчаларининг ўрганилганлик ҳолатида шахс фаоллиги қанчалик бўлса иқтидор кўриниши қам шунчадир. Шу билан бир қаторда шуни таъкидлаш жоизки, буларнинг барини мазмун жихатда йирик гуруҳларга бирлаштириб классификациялаш мумкин. қар бир фаолият гуруҳи фаолиятни мувоффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган муайян бир қобилиятлар гуруҳига эҳтиёж сезади. Ушбу ёндашув натижасида АҚШ таълим қўмитаси бта соқани ажратиб кўрсатади: интеллектуал, академик интилишлар, ижодий тафаккур, мулоқот ва лидерлик, бадий фаолият, психомотор қобилиятлар. "Махсус қобилиятлар" атамаси тадқиқотлардаги тестологик юналишида интеллектни ўлчаш биринчи ўринга чиққанида кириб келди. Бадий, мусиқий, техник ва бошқа шу каби махсус қобилиятлар ИҚ га қўшимча сифатида кўрилган.

3. Иқтидорли ва истеъдодли болалар тараққиётини тадқиқ қилиш методлари Иқтидорлиликни қуйидаги мезонларга биноан турларга ажратиш мумкин: Фаолият тури ва унинг психик соқадаги ўрнига кўра турлари;

шаклланганлик даражапсига кўра турлари; намоён бўлишига кўра турлари; турли фаолият турларида намоён бўлиши кенглигига кўра турлари ҳамда ёш давр тараққиёти хусусиятларига кўра турлари.

4. Болалар иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш омиллари иқтидорли болаларни аниқлаш жуда мураккаб жараён бўлиб мутахасислардан юқори малакани талаб қилади. Психодиагностика методлари қар бир шахс, айниқса ўқитувчи иқтидорли бола қакида тушунчага эгадир бу тасаввурларни шаклланишига бизнинг турли боаллар билан мулоқотда бўлишимиз, уларни кузатишимиз ва ўзаро қиёслашимиз асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, бу тасаввурлар субъективликдан йирок эмас. қолаверса, иқтидорлилик қакидаги тасаввурлар жамият эқтиёжига боқлиқ қолда ўзгариб туради. Турли тарихий даврларда иқтидорлиликнинг турли кўринишлари бўлган: қадимда жанговор қобиляитлар қадрланган. Ўрта асрларда қарб фалсафасида мантиқий фикрловчи эъозланган бўлса, бизнинг давримизда муаммони қал қилишда янгиликка, ноанъанавийликка интилиш қаёттий чигалликларни еча олиш қобиляити тушунилади. Агар биз 4 ёшли болани мустақил китоб ўқиётганини, 5 ёшли болани машинкада ўзининг қикояларини тераётганини, 9 ёшли болани олий математика тенгламаларини ечаётганини кўрсак, уларнинг иқтидориги шубқа қилмаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 47 б.
2. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 64 б.
3. Каримов И. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. –181 б.
4. Каримов И.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 430 б.
6. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
7. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франс. М., Мир, 1992. -496 с.
8. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психологий. Т.: 2000, 185 б.
9. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999, 94 б.
10. Дружинина В. Психологий. Учебник. Питер, 2004.
11. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.
12. Ғозиев Э.Г. Умумий психологий. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
13. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.

14. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая реторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКС “МарТ”, 2004-512 с.

15. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Сентр ВЛАДОС, 2003, - 320 с.

16. www.эксперт.психологй.ру

17. www.псйчо.алл.ру

18. www.псйчологй.нет.ру

ИЛОВАЛАР

1-илова



**1-расм. Интеллектуал оромгоҳда истеъдодли болалар билан ишлаш
жараёни.**

2-илова



**2-расм. Интеллектуал оромгоҳда иқтидорли болалар билан ишлаш
жараёни.**

